

## АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ

### ИСКАНДАР КЎЗГУСИ ТИЛСИМИ



**Илёс ИСМОИЛОВ**

докторант

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

[ismoilov\\_iles@mail.ru](mailto:ismoilov_iles@mail.ru)

#### Аннотация

Мақолада Навоий ижодида муҳим аҳамият касб этган Оинайи Искандарий образи, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қисқача тарихи қиёсий аспектда ўрганилган. Шунингдек, Искандария минораси борасидаги қарашлар ҳам таҳлилга тортилган, бу борада Навоий асосланган манбаларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

#### Аннотация

В статье проводится сравнительный анализ образа *зеркало Искандера*, который играет решающую роль в произведениях «Хамса» (Низами, Дехлави и Навои) и который создан на основе исторических, научно-литературных источников. Изучаются функции данного образа в дастанах Низами, Дехлеви, и Навои. Также особое внимание уделено образу Александрийской башни, показаны источники, на которые ссылался Навои.

#### Abstract

The article describes Iskandari's image, which has a crucial role in Navoi's creativity, its features and brief history in comparative aspect. The views of the Tower of Alexandria were also analyzed and attempted to show Navoi-based sources.

**Калит сўзлар:** тилсим, Искандар, ойна, минора, маёқ, ишқ, достон, бадий тасвир.

**Ключевые слова:** волшебство, Искандер, зеркало, башня, маяк, любовь, поэма, художественное изображение.

**Keywords:** magic, Iskandar, mirror, tower, beacon, love, poem, artistic image.

Шарқда яратилган исқандарномаларнинг муҳим образларидан бири ойна бўлиб, Искандар донишмандлиги ва назаркардалигини намоён қилувчи ўзига хос мотив сифатида ҳам ижодкорларни ром этган. Искандар ҳақидаги қиссаларнинг деярли барчасида, жумладан, Алишер Навоий ижодида Искандарга нисбат берилувчи ойна хусусида сўз боради.

Унинг яратилиш тарихи, айрим хусусиятлари “Садди Искандарий”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Лайли ва Мажнун”да қайд этилган. Навоий Искандарнинг Чинга юришини тасвирлар экан, Хокон тухфалари орасида Оинайи Чин ҳам борлигини ёзади. Унинг ғаройиб хусусияти бўлиб, доим икки юзи ойю қуёшдек порлоқ турарди. Ҳақимлар икки юзига икки хил хусусият тилсимлаган бўлиб, унга кўра, шоҳ халқ арзини тинглаётган маҳал

бир томон даъвосини иккинчи томон рад этса, гувоҳга ҳожат бўлмас, ҳақиқатни аниқлаш учун сўзловчининг ойнага қараши кифоя эди. Агар рост сўзлаган бўлса, ойнада юзи кўринар, ёлғон сўзлаган бўлса, кўринмас эди. Ойнанинг иккинчи юзига шундай тилсим қилинган эдики, агар шоҳ базмда бўлса, гоҳ-гоҳ мажлисдагилар ойнага назар солиб туришарди. Меъёрда май ичганларнинг юзи ўз ҳолича акс этар, бадмастлар юзи узун, қисқа, япалок шаклларда намоён бўларди. Натижада улар ўзларини ноқулай ҳолдан кутқариш чораларини кўришарди. Искандар бу ноёб совгадан ниҳоятда таажжубга тушади ва Чинда қишлашни лозим топиб, ҳукамо иттифоқи билан пўлатдан кўзгу яратади. Бу – Чинда ясалган ва Искандарга нисбат берилувчи биринчи ойна. Навоий бу ойнанинг ўзига хос талқинини Фарҳод тақдири мисолида тасвирлаб берган.

Навоий биз учун қизиқ бўлган иккинчи ойна тўғрисида “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да маълумот берган. “Лайли ва Мажнун”даги “Ишқ таърифидаким...” деб бошланувчи бобининг дастлабки байтида ишқ шундай таърифланади:

*Э ишқ, ғариб кимиёсен,  
Бал ойнаи жаҳоннамосен(6, 271).*

Навоий байтда ишқнинг кимёлик ва ойнаи жаҳоннамолик каби муҳим икки хусусияти тўғрисида сўзламоқда. Ишқнинг Искандар мавзусини тақозо қилган жиҳати иккинчи хусусият бўлиб, Навоий ушбу фазилатни поэтик асослаш учун Искандар ойнаси образидан фойдаланади.

Навоий ишқнинг оламни ёритувчи, кўрсатувчи кўзгуга ўхшаши борасида сўзлар экан тажаллий назарясига асосланади, унга кўра, оламдаги ашёда илоҳий тажаллиёт (илоҳий ҳақиқатнинг жилваланиши) нурларининг зарралари мавжуд бўлиб, уни ботиний кўз билангина идрок этиш мумкин. Яъни яратилмишдан яратувчи, нақшдан наққош англанади, одатда, бундай фазилатга орифлар, соҳибдиллар эга бўлади. Улар соф муҳаббат туфайли қай томон боқса, ёрни кўради (Мажнун ҳар томонда Лайлини кўрганидек), ҳодисалар моҳияти ва еру кўк синоатидан воқиф бўлади. Шу боис Навоий ишқни *ойнаи жаҳоннамо* дейди. Навоий ишқнинг жаҳоннамолик хусусиятини шу тариқа асослар экан, ўз фикри таъкиди учун Искандар Румда курган ойнаи *жаҳоннамо* дейиш тўғри эмас, деган поэтик фикрни илгари суради. Қиёс учун Искандар ойнаси тўғрисида қисқа маълумот беради: Искандар пўлатга сайқал бериб, ойна ясатгач, Румда Фаранг (Фарангистон, Европа) томонга қаратиб бир минора қурдиради. Кўзгуга шундай сайқал бердиларки, Фарангни кўрсатадиган даражада ёрқин бўлади. Кўзгу бу қадар зиё топгач, Искандар уни *жаҳоннамо* деб номлайди(6, 272). Бу – Искандарга нисбат берилувчи иккинчи ойна.

“Садди Искандарий”да иккинчи ойна ҳақида маълумот йўқ. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да юнон ҳакимларидан Балинос ҳақида сўзлаб, шундай ёзади: “Балинос ҳаким Аристотелиснинг шогирдидур. Искандария минораси тилисминиким, фаранг аҳли қилғони анда кўрунур эрди, Балинос ясаб эрди”(5, 138). Навоий мазкур маълумотлар борасида “Тарихи гузида”га таянган бўлиши керак, чунки у тарихий асарларини ёзишда бу манбага фаол мурожаат этган бўлиб, Балинос тўғрисидаги маълумотлари мазкур тарихдаги Балинос зикри билан айнан(4, 67). Демак, иншоотнинг асл номи “Искандария минораси”, у тилсимли бўлган, лекин Навоий минора тилсими хусусида ҳеч нарса демайди. Бордию ундаги кўзгунинг ғоят порлоқ ва тиниклиги, жуда олис масофадаги ишларининг унда акс этиши тилсим деб қаралганда ҳам бироз камдек туюлади.

Искандарга нисбат берилувчи ҳар икки ойна тўғрисида Низомий “Искандарнома”сида қайдлар мавжуд, унга кўра, дунёдаги биринчи ойнани Искандар яратган ва ойнага илк назар солган одам ҳам Искандардир(8, 80–81). “Иқболнома”нинг “Чаҳонгардии Искандар ба даъвии пайғамбарӣ” деб номлаган бобида Навоий тилга олган иккинчи кўзгунинг қисқа тафсилоти берилган. Низомий минора Искандарияда қурилиб, унга бир ойлик йўлдан дарё юзидаги барча ҳодисаларни кўрсатувчи ойна ўрнатилгани, минора нигоҳбонлари ойнада яширин сирларни кўрса, давлат кўриқчиларига етказиши, улар душман беҳосдан хужум бошлашига қарши чорасозлик қилишини қайд этган(8, 394).

Хусрав Дехлавий ойна борасида ўзига хос йўл тутган. У ўз асари оригиналлиги, ойна образига оид янги фикрларини таъкидлаш мақсадида дostonда унинг тарихини шунчаки тасвирлаб қолмай, асар номи даражасига ҳам кўтарган. Хусрав Дехлавий Низомий Искандарга нисбат берган ойна, аслида, Чин Хоқонига тегишли деб билади. Бунга далил сифатида чинлик ва румлик наққошлар баҳси акс этган ривоятни келтиради. Амир Хусрав Искандарнинг чинлик наққошлар ясаган ойнани кўриб ҳайратда қолганини ёзади:

*Чу кам диде буд оина пеш аз он,  
Бадидан он ва шуд дасти ҳайратгазон(1, 141).*

Бундан Искандарга нисбат берилувчи ойнанинг аслида Шарқ халқлари (Хоқон)га тегишли экани, румликлар – европаликлар бу пайтларда кўзгудан беҳабар бўлгани англашилади. Кейинчалик Искандар фаранглик қароқчи ва ўғрилар дастидан дод деб келган элчининг илтимосига кўра Рум дарёсида жуда баланд қилиб Искандария минорасини қурдиради. Минора фарангларга томон қад ростлаган бўлиб, тепасига 60 фарсанг<sup>1</sup> масофадаги ҳодисаларни

<sup>1</sup> Фарсанг – қадимий фослар кўллаган узунлик ўлчов бирлиги (парсанга, тош, йиғоч), арабча фарсах.

акс эттирувчи улкан ойна ўрнатилади. У орқали денгизни кузатиш ва кароқчилар хужумидан сақланиш каби сиёсий мақсадлар кўзланган эди. Хусрав Дехлавийнинг фикрича, Оинайи Искандарий деганда мана шу ойнани назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Навоийнинг Оинайи Искандарийга оид қарашлари Амир Хусравга яқин келса-да, принципиал фарқларга эга. Навоийга кўра, тилсимли ойна юнонлардан аввал чинликларда бўлган, Искандар бу ғаройиботдан ажабланган, бироқ Амир Хусрав Ҳоқонга нисбат бераётган ойна, аслида, Искандарга тегишли. Шу боис Навоий ўз ижодида *Оинайи Искандарий* деганда икки кўзгуни назарда тутди: 1. Чинда икки юз ҳақим билан ясалган ойна; 2. Искандария минорасига ўрнатилган ойна.

Амир Хусрав Низомий маълумотларига қароқчилар, миноранинг ўрни ва масофа тўғрисидаги айрим қайдларни киритган. Навоий қайд этган минора ва унга ўрнатилган кўзгу борасидаги тафсилотлар кўпроқ Хусрав тасвирига мос келади. Низомий минорани Искандарияда, Хусрав Рум дарёсида, Навоий эса Румда<sup>2</sup> жойлашганини айтади. Низомий минора ва ойнанинг қай томонга қаратиб қурилганини кўрсатмайди, Хусрав ва Навоий Фаранг томон эканини аниқ қайд этган. Низомий ойнада бир ойлик, Хусрав 60 фарсанг масофадаги хатти-ҳаракатлар акс этишини айтса, Навоий Фаранг аҳлининг қилган ишлари кўриниб туришини қайд этади. Низомий ва Хусрав бу ишдан мақсад мамлакат мудофааси эканини аниқ таъкидласа, Навоий мақсадни очик айтмаса-да, ойнанинг Фарнгистонга қаратиб қурилиши, унда фаранглар хатти-ҳаракатининг кўриниб туриши кабилар сиёсий мақсад кўзланганини англатади.

Шарқда яратилган баъзи тарихий асарларда мазкур минора ва унга ўрнатилган ойна хусусида маълумотлар сақланиб қолган. Мирхонднинг қайд этишича, Искандариянинг бир четида 600 газ баландликдаги минора қурилган бўлиб, унинг юқорисига ойна тилсим қилинган. У атрофдаги жойлардан шаҳар қасдидан лашкар тортганларни кўрсатиб турарди. Шаҳар аҳли бундай ҳаракатдан воқиф бўлса, душманни даф этиш чорасини кўрарди(3, 94).

Носир Хусрав (1004–1088) бу иншоот ҳақида шундай ёзади: Искандария ҳам Рум денгизи ва Нил дарёси соҳилида жойлашган. Ва у ердан кемаларда Мисрга жуда кўп мевалар келтиришади. Искандария маёқ бўлиб, мен кўрганимда бус-бутун эди. Маёқ тепасига ёндирувчи ойна ўрнатилган. Агар Истанбулдан келган Рум кемалари унинг таъсири доирасига етса, ойнадан кемага ўт тушиб ёниб кетади. Румликлар бундан қутилиш учун ғоят

1 фарсанг кўпинча 7 км атрофидаги узунликни билдирган.

2 Лекин Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да иншоотни “Искандария минораси” деб атайд.

жидди-жаҳд қилдилар, турли ҳийлалар ўйлаб топдилар ва ниҳоят одам жўнатиб, бу ойнани синдирдилар(9, 112).

Масъудий (ҳиж. III аср охири) минора ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган(2, 359–367). Унга кўра, Искандария шаҳри биноларини Файлакус ўғли Искандар макдуний қурган, баъзилар фикрича у ердаги минорани малика Далв қурган ва уни кузатув пункти қилиб, у орқали Мисрга ҳужум қилувчи душманларни кузатган. Баъзиларнинг фикрича, минорани Фиръавн X қурдирган. Бошқа бир гуруҳ Рум шаҳарлари, минора ва Миср эҳромларини қургани туфайли Искандариянинг қурилишини ҳам Искандарга нисбат беришади, чунки Искандар оламнинг аксар мамлакатларига ҳокимлиги билан шуҳрат қозонган эди, шу боис бу шаҳар ҳам унинг номи билан машҳур бўлган. Қолаверса, Рум дарёсидан душманлар Искандар томон ҳамла қилган эмас ва Искандар бирор шоҳ ҳамласидан кўрқмаган ҳам. Миноранинг асоси қисқичбақа шаклида шишадан дарё ичида қурилган ҳамда тепасига мис ва бошқа металлдан ясалган мужассамалар (бирор шаклдаги жисм; ҳайкалчалар) ўрнатилган. Бу жисмлардан бири бош бармоғи билан кўлини чўзиб, қуёшнинг ҳаракатига мувофиқ уни кўрсатиб турар, қуёш ботгач, кўлини туширарди. Бошқа бири душман тунда ҳужум қилса, дарёга ишора қилар ва душман яқин келганда икки-уч мил масофага эшитилувчи кўрқинчли овоз чиқарар, натижада аҳоли душман яқинлигидан хабар топарди. Бошқа бир жисм эса куну тун ҳар соатда одатий овозидан ўзгача ёқимли овоз чиқарар эди.

Валид бинни Абдулмалик бинни Марвон замонида Рум подшоси ўзининг хос хизматкорларидан бирини хуфиёна Искандарияга юборади ва у юқори лавозимларга эришиб, мусулмон бўлиб шоҳ Валидга яқин бўлади. У Валидда Дамашқ ва бошқа мусулмон шаҳарлардаги дафиналар туфайли кучайган мол-дунёга хирсни кўриб, шоҳни Искандария минораси остида ҳам туганмас хазина борлигига ишонтиради ва уни бузишга кўндиради. Минорани вайрон қилиб бўлгач, бу ишнинг найранг эканини билишади, аммо бу пайтда румлик ходим ўз юртига қочиб улгирган эди(2, 364–365).

Искандария ҳукмдорлари дарёдан улар томон келувчи душманни кўриб туришлари учун минора тепасига улкан ойна ўрнатган эдилар. Бунга сабаб Искандардан сўнг Рум маликлари Искандария ва Миср шоҳлари билан жанг қилиш мақсадида келишларидан хавфсираш эди. Минорага кириш эшикларини билмаган кишилар минорага кирса изсиз йўқоларди, чунки минора ичида хоналар, эшиклар ва йўлақлар жуда кўп бўлиб, айтишларича, Муқтадир халифалиги даврида мағрибликлар Искандарияга бостириб келишган, улардан бир гуруҳ отлиқлар минорага киришган ва изсиз йўқолган экан. Минора ичида шундай йўллар бор эдики, шишадан қисқичбақа



шаклида қурилган минора тубига олиб борарди ва у ердан дарёга рахналар бор эди(2, 367).

Мазкур маълумотлар билан танишар эканмиз, беихтиёр дунёнинг етти мўжизасидан бири сифатида эътироф этилган *Александрия маёғи* ёдга келади.

Александрия маёғи – иккинчи номи Фарос маёғи. Қоя устига қурилган бўлиб, Миср қирғоқларига яқин бўлган Фарос оролининг шарқий соҳилида жойлашган. Маёқ Александр Македонскийнинг саркардаси Птоломей Сотер томонидан мил.ав. 285-йил бошланиб, 280- йилда тамомланган. Мазкур уч қаватли миноранинг умумий баландлиги 120 метрга яқин бўлган. Пастки қавати тўртбурчак шаклида бўлиб, тўрт томонини белгилашда ёруғликнинг Шимол, Шарқ, Жануб ва Ғарбдан тушиши инобатга олинган. Иккинчи қават саккиз қиррали минора шаклида бўлиб, шамолнинг саккиз томондан эсиши ҳисобга олинган. Учинчи қават гумбаз шаклида бўлиб, унда олов ёқилган. Учинчи қаватда денгиз худоси Посейдоннинг бронзадан ишланган 7 метрли улкан ҳайкали ўрнатилган. Гумбазни сайқалланган гранит устунлар кўтариб турган. Шу ерда олов ёқилган ва денгиз йўловчиларига олисдан кўриниши учун, оловдан ҳосил бўлган ёлқинни янада узоқроққа етказиш мақсадида темирга махсус ишлов бериб ясалган кўзгулар ўрнатилган.

Маёқ денгиз йўловчиларига йўл кўрсатиш билан бир вақтда кузатув пункти вазифасини ҳам бажарган. Бунда минорадаги пўлатга ишлов бериб ясалган ойналар денгиз сатҳида пайдо бўлган душман кемаларидан дарак берган. Иншоотнинг саккиз қиррали иккинчи қавати кўплаб бронза ҳайкалчалар билан безатилган эди, улар шамол тезлиги ва ҳаракатини кўрсатувчи содда механизм билан ҳаракатланар, йўловчилар Фарос маёғини кўриб, мўжизавий ҳайкалчалар ҳақида гапиришарди. Масалан, ҳайкалчалардан бири кўли билан куёшни доим йўналишига мос ҳолда кўрсатиб турар, куёш ботса, кўлини туширар, бошқа бир ҳайкалча эса куну тун ҳар соатда бонг урар, бошқаси эса гўё душман флоти яқинлашганда хавфдан огоҳлантириб кўлини денгизга қаратар эди(7, 105–118).

Демак, Низомий, Хусрав ва Навоий тасвирлаган минора ва унга ўрнатилган ойна билан боғлиқ тафсилотлар дунёга машҳур Александрия маёғига дахлдор экан. Ушбу маълумотлар Страбон ва Плиний асарлари асосида жамланган. Александрия маёғи тўғрисидаги тасаввурлар икки минг йил давомида ҳар қанча ўзгармасин, барибир, Шарқ манбаларида асосий хусусиятини йўқотган эмас. Масалан, хамсанавислар ижодида маёқнинг бандаргоҳга йўл кўрсатиш хусусияти хиралашиб, мамлакат мудофааси учун хизмат қилагани борасидаги тасаввур сақланиб қолган.

Низомий маёқ жойлашган ҳудудни Искандария (Александрия) деб тўғри кўрсатса, Хусрав ва Навоий бу жойни Рум деб кўрсатади ва иншоот номи “Искандария минораси” эканини қайд этади. Балки Навоий фойдаланган манба муаллифи маёқ жойлашган ерни Рум деб ҳисоблаган ёки Искандар у ерларни ҳам бўйсундиргани учун умумий ном билан Рум деб (Рим империяси каби) атаган бўлиши мумкин. Дарвоқе, маёқ қад ростлаган Фарос ороли Римга нисбатан Миср қирғоқларига яқин бўлса-да, бутунлай Миср ҳудудида жойлашган эмас. Навоий аниқ қилиб миноранинг Европага қаратиб қурилганини қайд этади, ҳақиқатдан ҳам, Мисрнинг Европага қараган шимолий-шарқий қисми денгиз билан қопланган ва Фарос ороли айна шу ерда жойлашган. Навоий берган муҳим маълумотлардан яна бири минорадаги кўзгунинг темирга ишлов бериш орқали ясалганидир. Тарихий манбалар ҳам маёқдаги кўзгуларнинг металдан ясалганини тасдиқлайди. Навоий маёқни ўз номи билан “Искандария минораси” (Александрия маёғи) деб номлашдан ташқари, миноранинг тилсимли экани ва тилсимни Балинос ясаганини ҳам қайд этган. Навоий миноранинг тилсимли экани борасида ҳам адашмаган кўринади. Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, денгиз йўловчилари Александрия маёғининг иккинчи қаватида осилган оддий механизм билан ишловчи бронза ҳайкалчаларини кўриб, минорани мўжизавий деб тасаввур қилишган, табиийки, бу йўловчилар орасида шарқликлар ҳам бўлган.

Хамсанависларнинг минора ва ойна борасидаги тасвиридаги фарқлар уларнинг масалага ёндошуви туфайли келиб чиққан. Низомий сиёсий жиҳатига эътибор қаратгани учун кўпроқ минорадан кўзда тутилган мақсадга урғу берса, Хусрав ўз достони номини изоҳлаш ва Искандар ойнаси борасидаги фовқулудда фикрларини таъкидлаш учун ойнанинг яратилиши тарихи ва Оинаи Искандарий масаласини аниқлаштиришга жиддий эътибор қаратади. Навоий эса ишқнинг табиатини изоҳлаётгани боис кўпроқ минора кўзгусининг порлоқлиги, жаҳоннамолигига диққат қилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Амир Хусрави Дехлавий. Оинаи Искандарий. Матни интиқодий. – Москва: Наука, 1977. – 314 б.
2. Масъудий Али бинни Ал-Хусайн. Муравваж ал-заҳаб. Жилди 1. – Техрон: Ширкати интишороти илмий ва фарҳангий, 1374. – 785 б.
3. Мирхонд Муҳаммад бинни Ховандшоҳ. Равзат ус-сафо. Жилди 1. – Техрон: Пируз, 1338. – 812 б.
4. Муставфий Ҳамидуллоҳ. Тарихи гузида. – Техрон: Амир Кабир, 1339. – 818 б.
5. Навоий Алишер. Тарихи анбиё ва ҳукамо. 20 томлик. 16 том. – Т.: Фан, 2000. – 245 б.
6. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. 20 томлик. 9 том. – Т.: Фан, 1992. 356 б.
7. Нейхардт А.А., Шишова И.А. Семь чудес древнего мира. – Москва: Наука, 1966. – 152 с.
8. Низомии Ганжавий. Хамса: Искандарнома. – Душанбе: Адиб, 2012. – 480 с.
9. Хусрав Носир. Сафарнома. – Т.: Шарк, 2003. – 112 б.